



## THE ROLE OF PUBLIC RELATIONS IN ENSURING THE EFFECTIVENESS OF THE ACTIVITIES OF PUBLIC ADMINISTRATION BODIES

**Akmal Nazarov**  
independent researcher  
Uzbekistan  
E-mail: [amal\\_n@mail.ru](mailto:amal_n@mail.ru)

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** Public relations, public administration bodies, openness, information policy, communication.

**Received:** 28.04.24

**Accepted:** 30.04.24

**Published:** 02.05.24

**Abstract:** This article discusses about the policy of openness and the work being done to ensure the transparency of government organisations in our country, as well as the priority tasks set for public relations specialists in this regard. At the same time, before disseminating each piece of information, it is necessary to pay attention to the extensive study of the existing situation and sufficient grounds, and after that it is required to disseminate it. Opinions were expressed that the main task of the information policy is to accurately communicate the essence of the issues that are widely discussed in the social networks of the fields, and to follow the principles of speed and accuracy.

## ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН АЛОҚАЛАРНИНГ ЎРНИ

**Акмал Назаров**  
мустақил тадқиқотчи  
Ўзбекистон  
E-mail: [amal\\_n@mail.ru](mailto:amal_n@mail.ru)

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** Жамоатчилик билан алоқалар, давлат бошқаруви органлари, очиқлик, ахборот сиёсати, коммуникация.

**Аннотация:** Ушбу мақолада мамлакатимизда очиқлик сиёсати ва давлат идораларининг шаффоғлигини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган ишлар ҳамда бу борада жамоатчилик билан алоқалар мутахассислари учун қўйилаётган устувор вазифалар хусусида сўз юритилган. Шу билан бирга, ҳар бир ахборотни

тарқатишдан аввал мавжуд ҳолатни кенг ўрганилгани ва етарли асосга эгалигига эътибор қаратиш ҳамда шундан сўнг уни тарқатиш тақозо этилаётгани билан боғлик фикрлар юритилган. Соҳаларга доир ижтимоий тармоқларда кенг муҳокама қилинаётган масалалар моҳиятини аҳолига тўғри етказиш, бунда тезкорлик ва аниқлик тамойилларига амал қилиш ахборот сиёсати соҳасидаги биринчи навбатдаги вазифага айлангани борасидаги фикр-мулоҳазалар ўрин олган.

## РОЛЬ СВЯЗЕЙ С ОБЩЕСТВЕННОСТЬЮ В ОБЕСПЕЧЕНИИ ЭФФЕКТИВНОСТИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ОРГАНОВ ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ

**Акмаль Назаров**  
независимый исследователь  
Узбекистан  
E-mail: [amal\\_n@mail.ru](mailto:amal_n@mail.ru)

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** Связи с общественностью, государственные органы управления, прозрачность, информационная политика, коммуникация.

**Аннотация:** В данной статье говорится о проводимой работе по обеспечению политики открытости и прозрачности государственных органов в нашей стране, а также о приоритетных задачах, поставленных перед специалистами по связям с общественностью в этом направлении. Вместе с этим обсуждается необходимость всестороннего изучения существующей ситуации и владением достаточными основаниями перед распространением информации. Подчеркивается, что одной из первоочередных задач информационной политики является предоставление населению правдивой информации о проблемах, обсуждаемых в социальных сетях, с использованием методов быстроты и точности в достижении этой цели.

### КИРИШ

Мамлакатимизда сўз эркинлигига, ҳар бир фуқаро давлат бошқаруви органларидан ахборот олиш ва ундан эркин фойдаланиш хуқуқини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, бугунги рақамли технологиялар ривожланган ва ижтимоий тармоқлардан кенг фойдаланилаётган даврда содир бўлаётган воқелик, янгилик ва ўзгаришларни тезкор ҳамда холис ёритиш муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Чунки аҳолига давлат ташкилотлари ишончли ва биринчи манба сифатида ахборотни тезкор ва холисона етказиши, турли талқинга эга хабарлар ва фейк постлар тарқалиб кетишининг олдини олиши зарур.

### **АСОСИЙ ҚИСМ**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев қайд этганидек, давлат идоралари ва маҳаллий ҳокимликлар таркибида ахборот хизматлари йўлга қўйилгани халқ билан мулоқотни кучайтиришга сезиларли тъясир кўрсатмоқда. Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги, шаффоғлиги ва ҳисобдорлигини таъминлаш, уларнинг очиқлик борасидаги самарадорлик кўрсаткичларини белгилаш ҳамда илғор халқаро стандартлар асосида баҳолаш тизими жорий этилди.

Ўз ўрнида, мамлакатимизда очиқлик сиёсати ва давлат идораларининг шаффоғлигини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган ишлар ва бу борада давлат хизматчиларига қўйилаётган вазифалар давлат бошқаруви органлари ходимлари учун ҳам катта масъулият юкламоқда. Айниқса, ҳар бир ахборотни тарқатишдан аввал мавжуд ҳолатни кенг ўрганилгани ва етарли асосга эгалигига эътибор қаратиш ҳамда шундан сўнг уни тарқатиш тақозо этилмоқда.

Тизимга доир ижтимоий тармоқларда кенг муҳокама қилинаётган масалалар мөхиятини аҳолига тўғри етказиш, бунда тезкорлик ва аниқлик принципларига амал қилиш ахборот сиёсати соҳасидаги биринчи навбатдаги вазифага айланди.

Шу жумладан, Марказий банк фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, яъни коммуникация сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш учун жамоатчилик билан алоқаларга асосий мақсад ва вазифаларга эришишдаги муҳим инструмент сифатида қаралмоқда.

Жамоатчиликнинг пул-кредит сиёсатидан хабардорлигини ошириш, инфляцион кутилмаларга тъясир кўрсатиш, банк тизимидағи ўзгаришлардан кенг жамоатчиликни хабардор қилиб бориш ва банк хизматлари истеъмолчилари хуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган зарур ахборот ва маълумотлар қўлами ҳамда мулоқот каналлари кенгайтириб борилмоқда.

Марказий банкнинг ўз олдига қўйган мақсадлари ва амалга ошираётган ишларини жамоатчиликка етказишида қатор вазифалар:

- инфляцияни таргетлаш режими доирасида нархлар, хусусан, миллий валюта барқарорлигини таъминлаш, банк тизимининг молиявий ҳолатини мустаҳкамлаш, тўлов ташкилотлари ҳамда регулятор фаолиятининг бошқа йўналишларида олиб бораётган

ишлари мазмун-моҳиятини оммавий ахборот воситалари ва замонавий коммуникация каналлари орқали жамоатчилик хабардорлигини ошириш;

– иқтисодий ислоҳотлар жараёни, ўзгаришлар ҳамда Марказий банк томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар бўйича маълумотларни кенг тарғиб қилиш орқали аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг тўғри қарорлар қабул қилиниши ва келгуси хатти-ҳаракатларини шакллантиришига кўмаклашиш;

– ўзаро ишончни мустаҳкамлаш учун жамоатчилик билан эркин ахборот, фикр алмашинув муҳитини яратиш устувор этиб белгиланган.

Пул-кредит, банк ва тўлов тизимлари соҳасидаги долзарб маълумотлар жамоатчиликка Марказий банкнинг алоқа каналлари (расмий веб-сайт ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари) орқали тезкор равишда етказилмоқда.

Бунда:

регуляторнинг фаолияти ҳақидаги ахборотлар оммавий, кенг аудиторияга эга нашрларда ёритилиши;

банк тизимига оид ўзгаришлар хусусидаги ахборотларнинг тўлақонлилиги ва тушунарлилиги;

ахборотларнинг ўз вақтида тақдим қилиниши, келгусидаги режаларнинг баён этилишига эътибор қаратилди.


Аҳоли ва тадбиркорлик тузилмаларининг ишончини қозонишда коммуникациянинг, айниқса, юзма-юз мулоқотларнинг аҳамияти юқори. Марказий банк раҳбарияти ва масъул ходимлари томонидан турли учрашув ва очик мулоқотлар ташкил этилиб, уларда банк хизматлари истеъмолчиларига республикамиздаги жорий макроиктисодий вазият, пул-кредит сиёсати, банк ва мижоз ўртасидаги муносабатларга доир зарур тушунтиришлар бериб борилди.

Коммуникация соҳасидаги тўпланган тажрибалар ва жорий вазиятни атрофлича ўрганиш натижалари Марказий банкнинг режалаштирилаётган саъй-ҳаракатини олдиндан хабардор қилишнинг самарали механизм эканлигини кўрсатди ва шу жиҳатдан долзарб мавзулар юзасидан медиа-мулоқотлар ташкил этилди.



Марказий банк [веб-сайтига](#) ташрифлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда, бу Марказий банк фаолиятига кенг жамоатчилик томонидан қизиқиш ортиб бораётганини күрсатади. 2023 йилда ташрифлар сони жами 6,7 миллион бўлиб, бу ўтган йилга нисбатан 2,4 миллионга кўп. Ташрифларнинг географияси таҳлилига кўра, ҳисбот йилида хорижий мамлакатлардан ташрифлар кескин ортди ва ташрифларнинг 48 фоизи (3,2 миллион) хорижий мамлакатлардан амалга оширилган ташрифлар ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич ўтган йилдагидан 2,5 баробарга кўп.

Марказий банк кенг жамоатчилик билан яқиндан алоқа ўрнатиш ҳамда фаолиятга оид янгилик ва маълумотларни тизимли етказилишини таъминлаш учун мақсадли аудитория вакиллари орасида энг оммабоп ижтимоий тармоқлар ҳамда мессенжерларда очилган расмий саҳифалардан фаол фойдаланмоқда.



Марказий банкнинг очиқ ахборот сиёсати белгиланган мақсадларига эришиш учун зарур шартдир. Бу молиявий муносабатлар иштирокчиларининг амалга ошираётган чоратадбирлар, қарорларни батафсил тушунишига, шунингдек, банк хизматлари истеъмолчиларига асосий макроиктисодий кўрсаткичлардаги ўзгаришлар бўйича ўз кутилмаларини бошқаришига имконият яратади, пул-кредит сиёсатининг иқтисодий

жараёнларга таъсири, хусусан, бозор кутилмаларининг янада самарали шаклланишига ёрдам беради.

## ХУЛОСА

Марказий банк фаолиятида ахборот кўлами ва тезкорлигининг ортиши, шу жумладан, банк тизимидағи ахборотлар билан мунтазам танишиб бориш жамоатчиликнинг кенгроқ ва кўпроқ маълумот олишга бўлган қизиқишини оширмоқда. Бу ўз навбатида, банк тизими фаолиятига доир тақдим этилаётган материаллар мундарижасини бойитиш, янгича ёндашувлар, йўналишларни белгилаб олишни тақозо этмоқда.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ш.М.Мирзиёевнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига байрам табриги. 2023 йил 27 июнь. <https://president.uz/uz/lists/view/6442>.
2. 2019 йил 27 июндаги “Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4366-сонли Президент қарори.
3. Пул-кредит сиёсати шарҳи: <https://t.me/centralbankuzbekistan/9312>.
4. Чумиков А. Паблик Рилейшнз и связь с общественностью. М.: 2000. С, 121.
5. Синяева Е. Связь с общественностью в коммерческой сфере. М.: 1999, С, 17.
6. Назаров А.Н. Жамоатчилик билан алоқалар – мамлакатимиз идора ва ташкилотлари фаолиятининг муҳим бўғини. International journal of Consensus Vol.2, No.4, 2021. Pages 27-32.
7. Акмал Назаров. Public relations – жамиятда очиқлик ва ошкораликни таъминлашнинг муҳим омили. Oriental Journal of History, Politics and Law Vol.2, 2022. Pages 134-139.
8. Назаров А.Н. Маҳаллий давлат бошқарув органларининг ахборот билан ишлаш кўникмаси ва унинг ижтимоий-сиёсий зарурати. “Oriental Renaissance: innovative, educational, natural and social sciences” журнали. Vol.3, ISSUE.1, B. 139-146.